

---

Коллеж ва техникумларга имтиҳонлар 20 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади

Бу ҳақда АОКА пресс-холида ташкил этилган матбуот анжуманида ДТМ директори ўринбосари Сардор Ражабов [маълум қилган](#).

**Тест синовлари** ташкил этилиши тартиби олий таълим тест жараёнларига ўхшаб кетади. Яъни, **икки босқичда** ўтказилади. Абитуриентлар тест синовлари белгиланган вақтдан 1 соат олдин келиши талаб этилади.

Тест синовларига фақат **паспорт** ва **рухсатнома** билан киритилади.

Тест синовлари **2 та мутахассислик фанидан** иборат бўлиб, ҳар бир фанда — **30 тадан савол** бўлади. Ҳар бир фан учун 1 соатдан вақт ажратилади.

**Умумий балл** — **189 бални** ташкил этади. Бунда биринчи блок учун 3.2 балл, 2 блок учун 3.1 балл берилади.

2020-11-16 18:52:48